

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ШАУМАРОВА ЗИЛОЛА АБДУШУКУРОВА

**НОТЎЛИҚ ОИЛАДА БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Шаумарова Зилола Абдушукуровна

Нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг ижтимоий-педагогик
хусусиятлари3

Шаумарова Зилола Абдушукуровна

Социально-педагогические особенности формирования личности ребенка в
неполной семье25

Shaumarova Zilola Abdushukurovna

Socio-pedagogical features of the formation of a child's personality in the
incomplete family47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ШАУМАРОВА ЗИЛОЛА АБДУШУКУРОВА

**НОТЎЛИҚ ОИЛАДА БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ
ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.Phd/Ped504 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳманкулова Наргиз Хаджиакбаровна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Салиева Зухра Тахировна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "28" Январь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86)


Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1401 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86)

Диссертация автореферати 2021 йил "16" Январь куни тарқатилди.
(2021 йил "16" Январь даги 1 - рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Джурасев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий жотиби, п.ф.н., доцент

А.Х.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент



КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болаларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ота-оналарнинг фарзанд таълим-тарбиясидаги мажбуриятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Pew Research Center¹ маркази тадқиқот кўрсаткичларига кўра, нотўлиқ оила сонининг энг кўп миқдори АҚШда бўлиб, 23% ни ташкил этмоқда. Франция ва Россияда 18%, Буюк Британияда 21% нотўлиқ оилалар мавжуд. Хитой ва Вьетнамда эса нотўлиқ оилаларнинг сони 3-4% га тенг. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)²нинг маълумотларига асосан, вояга етмаган ёшдаги болаларда ўз жонига қасд қилишни юзага келтирувчи етакчи омиллардан бири нотўлиқ оила муҳити бўлиб, шахс шаклланишининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича ҳозирги кунда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан нотўлиқ оилалар сонини камайтириш ҳамда ундаги мавжуд ижтимоий-педагогик, психологик, иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, ажралишлар олдини олиш, ёлғиз оналарнинг таянч маълумот даражасини ошириш, аёллар ишлаб чиқаришдаги фаолиятини оила функцияларига мувофиқ олиб боришлари мақсадида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда оила институтини мустаҳкамлаш, ажралиш ва унинг асорати сифатида нотўлиқ оилалар сонини камайтириш, ёшлар ва аёлларда жиноятчиликнинг олдини олиш, суицидал хулқ-атворнинг психологик-педагогик профилактик тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш кўзда тутилган.³ Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонида оила институтини мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва асосиз ажралишларнинг олдини олиш, нотинч

¹ <https://www.pewresearch.org/fact-tank/2019/12/12/u-s-children-more-likely-than-children-in-other-countries-to-live-with-just-one-parent>

² ВОЗ. Предотвращение самоубийств: глобальный императив. ISBN: 978 92 890 5067 8. 2014 й. 102-б

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4749-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ва муаммоли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда оилавий муносабатларни яхшилаш устувор вазифалар этиб белгиланган бўлиб, уларга кўра нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини аниқлашга доир тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Ф.Акрамова, М.Давлетшин, Р.Джураев, Р.Душанов, И.Жабборов, В.Каримова, М.Маматов, А.Мунавваров, О.Мусурманова, З.Нишонова, Н.Раҳманқулова, Н.Салаева, З.Салиева, Р.Самаров, Н.Соғинов, О.Тураева, Э.Ш.Усманов, М.Утепбергенов, Ю.Шаамирова, К.Шониёзов, Ғ.Шоумаров, Н.Эгамбердиева, Г.Юнусова, Г.Ядгарова, Э.Ғозиев, У.Қодиров, О.Ҳасанбоеваларнинг илмий ишларида оила ва никоҳ, оилада бола шахсини шакллантириш, оилада бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик, этнопедагогик, ижтимоий-педагогик жиҳатлари, нотўлиқ оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан С.Айвезова, Т.Андреева, М.Баскакова, В.Бодрова, А.Гросс, Т.Гурко, Е.Калабихина, И.Дементьева, А.Демидов, Г.А.Кантемирова, Е.Лапшина, Л.Луныкова, Я.Николаева, Л.Овчарова, Л.Прокофьева, В.Титаренко, З.Хатнина, О.Юсупова, С.Ярошенколар томонидан нотўлиқ оилада тарбияланаётган болаларда ижтимоий дезадаптациянинг намоён бўлиш шакллари ва кўринишлари, педагогик диагностика ва коррекция воситасида нотўлиқ оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш шакллари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан M.Terblanche, C.Prince, H.Ricciuti, M.Marion, D.Monama, W.Jumpanyarach, J.Cherry кабилар томонидан нотўлиқ оиладаги ёлғиз аёл ҳамда болаларнинг ижтимоий-педагогик, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик муаммолари ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ФЗ-2016-0909111822. “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини аниқлаштириш ҳамда мазкур жараён самарадорлигини оширишга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

нотўлиқ оилада бола шахсини шакллантиришга доир ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини ёритиб бериш;

педагогик коррекция воситасида нотўлиқ оилада бола шахсини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

нотўлиқ оилада бола шахсини шакллантиришга қаратилган ижтимоий-педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нотўлиқ оилада бола шахси шакллантириш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур тумани, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри, Денов тумани, Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги оилалардан 257 нафар респондентлар иштирок этишди.

Тадқиқотнинг предмети нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг ижтимоий-педагогик муаммоларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий-педагогик таъсир мазмуни, усул ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мос келувчи илмий-педагогик манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, нотўлиқ оила фарзандларининг тарбиясидаги муаммоларни аниқловчи ижтимоий-педагогик (муаллифлик) тест, сўровнома, Д.Рассел ва М.Фергюссоннинг “Ёлғизликни субъектив ҳис қилиш методикаси”, “Рене-Жиля методикаси”, математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нотўлиқ оилада тарбияланган болаларда гендер хусусиятлар, жумладан, ўғил болаларда агрессивлик, нутқ маданиятининг талаб даражасида эмаслиги, клептоманияга мойиллик, айрим зарарли одатларнинг кўпроқ

учраши; қизларда эса, ҳасад, рашк ҳислари, низоли вазиятларни юзага келтириш сингари хусусиятлар аниқланган;

нотўлиқ оилада боланинг баркамол ривожланишини таъминлаш мумкин бўлган потенциал имкониятлар (референт доирасидаги намунавий шахслар, боладаги туғма лаёқат, спорт, санъат, фан йўналишидаги иқтидори) нотўлиқ оилада вояга етган таниқли шахсларнинг ҳаётини ўрганиш асосида аниқланган;

нотўлиқ оилада бола тарбиясидаги муаммоларни аниқловчи ижтимоий-педагогик диагностик методикаси валидлик ва ишончлик талаблари ҳамда шахс ахлоқ-одоб хусусиятларини тўлдирилганлик асосида такомиллаштирилган;

нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган болаларнинг ижтимоий-педагогик муаммоларини олдини олиш ва бартараф этиш модели бола шахсини ижтимоий-педагогик жараёнда фаол иштирокини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нотўлиқ оилаларнинг юзага келиш омил ва сабаблари аниқланиб, уларнинг олдини олишга қаратилган педагогик, психологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

бўлажак педагог ҳамда психологлар учун бола шахсига хос хусусиятларни аниқлаш ва педагогик коррекция қилиш бўйича услубий тавсиялар яратилган;

нотўлиқ оиладаги бола шахсини шакллантиришга оид семинар-тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

бола шахсидаги ижтимоий-педагогик муаммоларни аниқловчи муаллифлик тести ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилган ҳамда нотўлиқ оилалардаги турли муаммолардан бола шахсини шакллантиришда ижобий фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг педагогик-психологик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, нотўлиқ оилада бола шахсини шакллантиришга доир ижтимоий-педагогик фаолият мазмунининг ёритиб берилганлиги, ижтимоий-педагогик фаолият босқичлари, йўналишларининг аниқланганлиги “Умумий педагогика” фанининг “Педагогика назарияси” модули, “Оила педагогикаси”, “Ижтимоий педагогика” фанлари мазмунини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, тарбиячилар, мактаб раҳбарлари ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан ишлашда, ота-оналар университетлари фаолиятини мазмунан янада такомиллаштиришда, аҳоли, айниқса ота-оналар учун илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлашда; олимлар педагогика, этнопедагогика фанларидаги дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларни мазмунан бойитиш, илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштиришда; мактаб психологлари психокоррекция ва психопрофилактика йўналишидаги ишларни амалга оширишда самарали фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишининг ижтимоий-педагогик хусусиятларига доир тадқиқот натижалари асосида:

нотўлиқ оилада тарбияланган болаларда гендер хусусиятлари, жумладан, ўғил болаларда агрессивлик, нутқ маданиятининг талаб даражасида эмаслиги, клептоманияга мойиллик, айрим зарарли одатларнинг кўпроқ учраши; қизларда ҳасад, рашк ҳислари, низоли вазиятларни юзага келтириш сингари хусусиятларига оид аниқланган таклифлар “Умумий педагогика” (Педагогик маҳорат) дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5283-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак педагогларнинг нотўлиқ оиладаги ўқувчилар билан тарбиявий ишлар жараёнида билим, кўникма ва малакалари оширишнинг дидактик имконияти кенгайтирилган;

нотўлиқ оилада боланинг баркамол ривожланишини таъминлаш мумкин бўлган потенциал имкониятлар асосидаги таклифлар “Ижтимоий педагогика” фани бўйича давлат таълим стандартлари талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5283-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак педагогларнинг нотўлиқ оиладаги болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар педагогик фаолиятда самарадорлигини оширишга эришилган;

нотўлиқ оилада бола тарбиясидаги муаммоларни аниқловчи ижтимоий-педагогик диагностик методикаси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги 5-сонли буйруғи билан “Ижтимоий психология” модули мазмунига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5283-сонли маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологлар педагогик жараёнда ўқувчиларининг тарбиясидаги муаммоларни аниқлашда ҳамда ота-она ҳамкорлигида тегишли педагогик-психологик коррекция иш олиб бориш имкони оширилган;

нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган болаларнинг ижтимоий-педагогик муаммоларини олдини олиш ва бартараф этиш модели такомиллаштирилиб, нотўлиқ оилада бола шахсини шакллантириш моделининг амалий компонентини такомиллаштиришга доир амалий тавсиялардан № Ф3-2016-0909111822. “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда

“оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017-2020 йй.) лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5283-сон маълумотномаси). Натижада нотўлиқ оилада бола шахсини шакллантиришга доир ижтимоий-педагогик фаолият самарадорлигини оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (шундан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Нотўлиқ оилаларда бола шахси шаклланишининг назарий педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида нотўлиқ оила муаммосининг хорижий ҳамда маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ этилганлик ҳолати ўрганилган, бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.

Диссертацияда Имом ал-Бухорий, ибн Сино, Кайковус, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат сингари мутафаккирлар, Қ.Муннаваров, О.Ҳасанбаева, О.Мусурманова, Н.Раҳманқулова, М.Халматова каби мамлакатимиз олимлари ва бошқалар бола тарбиясида оиланинг ўрни, ота ва онанинг бола шахси шаклланишидаги вазифалари, оила маънавияти, ота-она ва фарзанд муносабатлари бўйича илгари сурган ғоялари таҳлили келтирилган.

Нотўлиқ оилани фақат салбий идрок этмаслик, уни муаммолар ўчоғи сифатида кўрмаслик лозимлиги, дунёга машҳур шахсларнинг маълум қисми нотўлиқ оилада вояга етганлиги ва муайян қийинчилик, муаммоларни бошдан кечиришларига қарамасдан намунали шахс, ёзувчи, олим, саркарда,

давлат арбоби сифатида танилганликлари ва тарихда унутилмас шахс сифатида шаклланганликлари ҳақидаги фикрлар Ғ.Б.Шоумаров ишларида ўз ифодасини топган.

Г.Ядгарованинг диссертациясида тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги шахслараро муносабатлар, шахснинг ижтимоийлашуви, нотўлиқ оилаларда она ва болалар ижтимоий-психологик мавқеини белгиловчи омиллар ҳамда муносабатларнинг шахс ижтимоийлашувига таъсири, нотўлиқ оилалар демографик таркибининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ёритилган.

Ю.К.Шаамированинг илмий тадқиқот ишида нотўлиқ оиланинг миллий-маънавий, педагогик-психологик, ижтимоий-педагогик муҳити, нотўлиқ оилада ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялаш ишлари бўйича бир қатор фикрлар билдирилган.

В.А.Барабохина томонидан нотўлиқ оилалардаги бошланғич синф ёшида бўлган болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш воситасида уларнинг ижтимоийлашуви, нотўлиқ оиланинг бола ижтимоийлашувига салбий таъсири, бошланғич синф ёшидаги болалар ижтимоийлашувида халқ маданий меросидан фойдаланишнинг педагогик аҳамияти, бола ижтимоийлашувининг когнитив, ижтимоий-психологик жиҳатлари илмий таҳлил қилинган. Шу ўринда, М.В.Носкова ўз тадқиқотида ҳар хил этнода ота мавқеи турлича ифодаланиши, оилаларнинг энтонпсихологик хусусиятлари, нотўлиқ оилада ота шахси индивидуал-психологик хусусиятларининг намоён бўлиши, маълумот ҳамда маданий савиясининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этган.


Юқоридаги илмий изланишлар таҳлилига кўра, фарзанд туғилишида онанинг ёши ва боладан воз кечиш ҳиси ифодаланиши орасида кучли боғлиқлик борлиги намоён бўлади. Кўп ёш оналарнинг ўз фарзандидан воз кечиши уларнинг ёшлиги, шахс сифатида етукликка эришмаганлиги, оналик инстинктининг етарли ифодаланмаганлиги, моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги, маълум касб-ҳунарга эга эмаслиги ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Нотўлиқ оилада салбий ҳиссиётлар аксарият ҳолда оналардан болаларга яшаш давомида ўтади. Бундай оилалардаги аёлларнинг катта қисми сурункали равишда педагогик, психологик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва физиологик қийинчиликларни бошдан кечирадилар.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Нотўлиқ оилаларда бола шахсини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик тизими”** деб номланиб, унда нотўлиқ оиланинг ижтимоий-педагогик муаммолари, нотўлиқ оиланинг функциялари, нотўлиқ оилалардаги бола шахси шаклланишида муаммоларни бартараф этиш метод, восита ва технологиялари келтирилган.

Нотўлиқ оила бу – оилада ота ёки онанинг йўқлиги, бола тарбияси билан ота ёки она шуғулланаётган оиладир. Бола тарбияси билан ота-оналардан ким шуғулланиши, бола ким билан яшашига кўра **отали ёки онали нотўлиқ оилалар** дейилади.

Нотўлиқ оиланинг педагогик ва психологик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бола шахси истикболда қандай шаклланишига таъсир

кўрсатади. Нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик, психологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар бир неча гуруҳга ажратилди (1-расм).



1-расм. Нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишидаги муаммолар.

Нотўлиқ оилаларни оила функцияларининг тўлақонли бажарилиши даражасига кўра шартли равишда уч турга бўлиш мумкин:

Юқори даражада функцияларини бажараётган нотўлиқ оила. Бу вақтинча ёки узок йиллар давомида оиланинг барча функцияларини тўлиқ равишда бажариб келаётган нотўлиқ оиладир. Бундай оилаларда аксарият ҳолда етук ёшдаги авлод – бува, бувилар бўлиб, боланинг тарбияси, бўш вақтини тўғри ташкил этиш, моддий таъминот каби функциялар тўлиқ бажарилишида ўзларининг етарли хиссаларини қўшади. Бунда (агар бевалар оиласи бўлмаса) ажрашган оила билан яшамаётган турмуш ўртоғи ҳам оила функцияларининг бажарилишига имкон даражасида ўз ташаббуси билан ҳиссасини қўшади;

Ўрта даражада функцияларини бажараётган нотўлиқ оила. Оила функцияларининг бажарилишига оила билан яшамаётган турмуш ўртоғи алимент тўлашдан ортиқ ҳеч қандай ҳисса қўшмайди. Оила функцияларидан энг муҳими бўлган болани тарбиялаш масалаларида онада, баъзи ҳолларда отада (бола отаси билан яшаётган бўлса) муайян қийинчиликлар учрайди. Шу билан бирга она аксарият ҳолларда меҳнат фаолияти билан банд бўлиши натижасида оилада психотерапевтик, регулятив, коммуникатив функциялар ҳам етарли бажарилмайди;

Қуйи даражада функцияларини бажараётган нотўлиқ оила. Оила функцияларининг ярмидан ортигини бажараётган, болалар тарбиясини ўз

ҳолига ташлаган, кўпинча оналик (оталик) вазифаси деярли бажарилмаётган, оилада мунтазам равишда носоғлом психологик муҳит бўлган моддий ночор, нотўлиқ оилалар.

Нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишида мавжуд муаммоларни бартараф этишда оилада онанинг маълумот даражасини ошириш, мустақил таълим олишга мотивация бериш, боланинг ижтимоийлашуви, бўш вақтини тўғри ташкил этиш ҳамда она ва бола ўртасидаги низоларни бартараф этиш бўйича ижтимоий-педагогик технологияни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).


1-жадвал

Нотўлиқ оилада бола шахси шаклланишида мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг ижтимоий-педагогик мезонлари

Мезонлар	Амалга ошириладиган ишлар мазмуни ва уларнинг кўрсаткичлари
Онанинг маълумот даражасини кўтариш, оила функцияларини тўлақонли бажарилиши	“Ота-оналар университети” қошида, таълим муассасаларида нотўлиқ оиладаги оналар учун психолог ва педагоглар томонидан семинар-тренинглар ташкил этиш, оила функциялари ҳақида маълумотлар бериш, уларни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш
Онанинг мустақил таълим олиши, мустақил ривожланиши	Нотўлиқ оиладаги она доимий равишда замонавий, педагогик, психологик адабиётларни ўқиши, ривоят ва Ҳадисларни фарзанди билан биргаликда таҳлил қилиши, онлайн ва оффлайн курсларда таҳсил олиши
Боланинг ижтимоийлашувини ўрганиш	Она, ота, яқин қариндошлар, амалиётчи психологлар билан биргаликда педагогик, психологик методикалар ёрдамида боланинг маънавий-ахлоқий хулқини ўрганиш ҳамда хулқидаги салбий хусусиятлар ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш
Боланинг бўш вақтини самарали ташкил этиш	Нотўлиқ оиладаги болаларни спорт, мусиқа, санъат ёки ўз қизиқишларидан келиб чиқиб қўшимча таълимга жалб этиш ва қобилиятларини ривожлантиришга оид тадбирлар ўтказиш
Боланинг ҳаётий кўникмаларини шакллантириш	“Муаммоли вазият”, “Кейс стади” методлари орқали болада ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятларни ечиш кўникмаларини шакллантириш ва уни тўғри қарор қабул қилишга ўргатиш
Она ва боланинг ўзаро муносабатидаги муаммоларни бартараф этилиши	Оила, таълим муассаса ва маҳалла ҳамкорлигида психологик, педагогик методика, тест, коррекцион машғулотлар орқали боланинг онага, отага бўлган муносабатини ўрганиш, таҳлил қилиш, тавсиялар бериш

Юқорида санаб ўтилган мезонлардан келиб чиқиб, нотўлиқ оилада бола шахсини шакллантиришга қаратилган ижтимоий-педагогик технология асосида қуйидаги модел такомиллаштирилди (2-расм). Модел асосида тажриба-синов ишларининг мақсади – нотўлиқ оилада тарбияланаётган

боланинг ижтимоий-педагогик, психологик муаммоларини бартараф этиш, деб белгиланди.



2-расм. Нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган болалар ижтимоий-педагогик муаммоларининг олдини олиш ва бартараф этиш модели

Учинчи боб “Нотўлик оилада бола шахсини шакллантиришнинг самарадорлиги” номланиб, унда нотўлик оилада оилавий функциялар ота-она томонидан бажарилишининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари ва нотўлик оила болаларининг тарбиясидаги муаммоларни аниқлашга оид тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Оиланинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, обрўси, оилада ўсаётган болаларнинг тўлақонли комил шахс сифатида шаклланиши, оила аъзоларининг саломатлиги кўп жиҳатдан оилавий функциялар қай даражада бажарилишига, ота-оналарнинг маълумот, маданият даражаси, савиясига, ахлоқ-одобига, кадриятлар мазмуни, иерархиясига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Диссертация иши юзасидан Тошкент шаҳри, Сурхондарё ҳамда Бухоро вилоятларида ўтказилган сўровномада нотўлик оилаларнинг 98 нафар ажрашган, 25 нафар бева ҳамда 3 нафар никоҳсиз фарзандли бўлган вакиллари (ёлғиз оналар), жами 126 нафар нотўлик оила респондент сифатида иштирок этган.

Тадқиқотда қатнашган ажрашган оналарнинг 77 нафари умумий ўрта ва ўрта махсус маълумотли, 21 нафари олий маълумотлидир. Беваларнинг эса 19 нафари ўрта маълумотли, 6 нафари олий маълумотга эга аёллар (2-жадвал).

2-жадвал

Оила ижтимоий мавқеи (ажрашган, бева ва никоҳсиз)


Оилавий статуси	Ажрашган		Бева		Никоҳсиз фарзандли бўлган (ёлғиз она)		Жами
	ўрта	олий	ўрта	олий	ўрта	олий	
Маълумоти							
Бухоро вилояти	16	5	6	1	-	1	29
Сурхондарё вилояти	31	3	4	3	-	-	41
Тошкент шаҳри	30	13	9	2	1	1	56
Жами	77	21	19	6	1	2	126
	98		25		3		

Нотўлик оиладаги бола тарбиясида отанинг иштироки фақат 20 нафар ёлғиз она томонидан “яхши” сифатида баҳоланган бўлса, 22 нафар ёлғиз она бола тарбиясида ота иштирокини “ўрта” деб баҳолаган, 34 нафари “талабга жавоб бермаслиги”, болага салбий таъсир қилишини билдирган ҳамда 22 нафар аёл тарбия жараёнида ота умуман иштирок этмаслигини баён этган. Шундай қилиб, нотўлик оилаларнинг ярмидан ортиғида ота фарзанд тарбиясида иштирок этмайди ёки болага салбий таъсир кўрсатади. Ота томонидан нотўлик оилага берилаётган моддий ёрдам 16 та оилада яхши, 12 та оилада ўртача эканлиги, 39 та оилада талаб даражасида эмаслиги ва 31 та оилада ота моддий томондан мутлақ ёрдам бермаслиги қайд этилган.

Ҳар бир оилада бола шахси шаклланиши, унинг ақлий ривожланиши, характериға ахлоқ-одоб нормалари ва тарбиянинг барча таркибий қисмлари

сингдирилишида оиладаги шахслараро муносабатлар, яъни ота-она ва болалар, бува-буви ва неваралар, ака-ука, опа-сингилларнинг ўзаро мулоқот маданияти, бир-бирлари билан муносабатлари катта роль ўйнайди. Оиланинг психологик иқлими, оила аъзолари орасидаги муносабатларнинг ҳолати оилада низолар келиб чиқишига асос бўлади. Низолар эса болалар ёки баъзан катталарнинг ҳам депрессия ҳолатига тушишига, шу асосда баъзан ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ҳам кузатилишига, носоғлом психологик иқлимда болаларнинг ўз-ўзига баҳо бериш даражасининг пасайишига, шахсида турли негатив комплексларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши ҳамда оилада катта ижтимоий-педагогик муаммоларни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун тадқиқотда “Рене-Жиля методикаси”ни қўллаш лозим топилди. Чунки ушбу методика педагоглар, психологлар ва социологлар томонидан кенг фойдаланилади ва оиладаги муносабатлар ҳақида етарли маълумот беради. “Рене-Жиля методикаси” 12 та белги, шкалани аниқлашга имкон бериб, 98 нафар ажрашган она тарбиясидаги болалар ҳамда 25 нафар бева она тарбиясидаги болалар (респондентлар) ўтказилган.

Нотўлиқ оилалардаги болаларда, айниқса, бир фарзандли оилаларда тарбияланаётганларда коммуникатив, етакчилик хислатлари кам ифодаланиши маълум бўлди. Нотўлиқ оиладаги, айниқса, бева она тарбиясидаги болаларда онасига ҳиссий ва меҳр жиҳатдан яқинлиги кўзга ташланди (98%), бу яқинлик боланинг мактабгача ва бошланғич синф ёш даври билан чекланмасдан, ўсмирлик даврида ҳам кучли ифодаланиши кузатилди (3-расм).



3-расм. “Рене-Жиля методикаси”дан олинган натижалар (% кўрсаткичида)

Юқорида келтирилган натижаларга асосланиб, бева она тарбиясида болаларда онага, отага, буви-бува ҳамда устозига бўлган муносабати юқори даражада эканлиги кузатилди. Шу билан бирга, ажрашган она тарбиясидаги болаларда эса киришимлилик, дўстларга муносабат кўрсаткичи юқори эканлиги аниқланди.


Тадқиқотда иштирок этган аксарият оналар ўз фарзандларининг ахлоқ-одобидаги камчиликларини кўра билмасликлари маълум бўлди. Яъни, уларда ўз фарзандларини идеаллаштириш, яхши кўрсатиш, камчиликлари йўқ сифатида маълумот бериш ҳолати кузатилди. Шу сабабли “Нотўлиқ оила фарзандларининг тарбиясидаги муаммоларни аниқловчи ижтимоий-педагогик тест” номли махсус ижтимоий-педагогик тест ишлаб чиқилди.

Методиканинг мақсади тўлиқ, нотўлиқ ва бошқа турдаги оилаларда бола тарбияси билан боғлиқ муаммоларни аниқлашдан иборат. Ушбу тест методикаси воситасида оилани ўрганиш қуйидаги вазифаларни назарда тутади:

1. Оилада бола тарбияси билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;
2. Бола тарбияси билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ифодаланиш даражасини таҳлил этиш;
3. Оилада бола тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг она ҳамда ўқитувчи томонидан идрок этилишини, улар идроки орасидаги тафовутни ўрганиш;
4. Тарбия жараёни самарали бўлишига эришиш, ҳар бир бола тарбиясидаги муаммолар ҳолатини, даражасини аниқлаш.

Ижтимоий-педагогик тест 30 та саволдан иборат бўлиб, синф раҳбарлар ҳамда ота-оналарга мўлжалланган икки варианты мавжуд.

Тадқиқот натижаларига кўра, нотўлиқ оилалардаги болалар тўлиқ оилалардаги фарзандларга нисбатан шахсидаги салбий хислатлар ифодаланиши, тарбиясидаги муаммолар жихатидан 79,9% га устунлик қилади (5-расм).



4-расм. Тўлиқ (кўк ранг) ва нотўлиқ (қизил ранг) оилалардаги болалар тарбиясидаги муаммолар мазмуни ва ифодаланиш даражаси

Яъни, тест методикаларида ўз ифодасини топган 30 та салбий хислатдан 24 тасида нотўлиқ оила фарзандларининг кўрсаткичлари тўлиқ оила болаларига нисбатан юқоридир. Тестда кўрсатилган салбий хислатларнинг

ифодаланиш даражаси (деярли йўқ, кам ифодаланган)га кўра нотўлиқ оилалар 30 та салбий хислатдан 13 таси (43,3%) бўйича ўртадан юқори кўрсаткични намоён этган бўлса, тўлиқ оилаларда 11 та кўрсаткич бўйича (36,6) % натижа ифода этилди.

Юқоридаги маълумотларга кўра, фақат нотўлиқ оила эмас, балки тўлиқ оилалардаги болалар тарбиясида ҳам етарли муаммолар мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга тадқиқотимизнинг асосий объекти бўлган нотўлиқ оиладаги болаларда кузатилаётган педагогик муаммоларнинг сабаб ва омиллари бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Нотўлиқ оилалардаги оналарнинг педагогик ҳамда психологик маълумот савияси пастлиги (87% тугатилмаган умумий ўрта, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маълумотиغا эга);


2. Маълумот билан боғлиқ даромади етарли эмаслиги ва ойлик маоши билан оила бюджетини таъминлай олмаслиги, оилаларнинг аксарият қисми доимий молиявий инқироз ҳолатида бўлиши;

3. Молиявий инқирозлар она – оиладаги ягона боқувчи бир вақтнинг ўзида бир нечта жойда ишлашини талаб қилиши ва онанинг бола тарбияси, ўқиши, хулқ-атворини мунтазам назорат қилолмаслиги натижасида болаларнинг маълум қисми педагогик жиҳатдан диққат-эътибордан четда қолиши. Бу эса, ўз навбатида, ушбу оилалардаги болаларнинг тўғри ва тўлақонли таълим-тарбия олишига имкон бермайди. Ушбу ота-оналарнинг вақти етарли бўлган тақдирда ҳам уларнинг аксариятида педагогик саводхонлик лозим даражада шаклланмаган.

4. Юқорида санаб ўтилган омиллар билан бир қаторда зарур ва бола шахси шаклланиши, унинг ким ва қандай шахс бўлишида муҳим ўрин тутадиган омиллардан бири наслий, ирсий омилдир. Маълумки, ҳар бир индивиддан қандай шахс шаклланишини асосан ота-онасининг наслий омили белгилайди. Аммо буни педагогика, психология фанларида бирорта метод ва методикалар билан қисқа муддатда илмий тадқиқ этиб бўлмайди, бундан ташқари ушбу вазифа педагогика фанининг предмети ҳам эмас. Буни генетика ва янги шаклланаётган психогенетика фанлари тадқиқ этади.

5. Нотўлиқ оиладаги болалар одоб-ахлоқи тарбиясидаги муаммолар аксарият қисмининг келиб чиқиши асосида юқорида санаб ўтилган савол ва омиллардан ташқари боланинг нотўлиқ оилада ўсиши, сибсларнинг йўқлиги, ўзи учун курашиши, ўз шахсини тасдиқлашга ҳаракат қилиши, тасаввуридаги шундай ноадекват (нотўғри) тушунча орқали, девиант хулқ воситасида тенгдошлари орасида обрўга эга бўлишга интилиши, ўзига диққат-эътиборни жалб қилиши ва бошқа мотивлар ётади.

Нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган ўғил ва қизлар тарбиясидаги муаммолар, улар орасидаги фарқни аниқлаш мақсадида тест натижалари асосида олинган кўрсаткичлар ўзаро таққосланди.



5-расм. Нотўлик оиладаги қизлар (кўк ранг) ва ўғил болалар (қизил ранг) тарбиясидаги муаммоларнинг ифодаланиш даражаси.

Таҳлил натижаларига кўра нотўлик оилалардаги ўғил болаларда қизларга нисбатан тарбиядаги муаммолар устунлик қилади. Яъни, 21 та (70%) муаммо кўрсаткичи бўйича ўғил болалар қизларга нисбатан устундир. Бунинг сабаби қуйидагилардан иборат:

- қизларда ёш босқичлари, айниқса, ўсмирлик ва ўспиринлик даврига оид инқироз (кризис)лар ўғил болаларга нисбатан енгилроқ кечади;
- қиз болалар онага яқинроқ бўлади, бир-бирларини яхшироқ тушунадилар;
- қиз болаларда ўқишга муносабат, масъулият, саранжом-сарипталик ва бошқа хислатлар ўғил болаларга нисбатан устунлик қилади;
- қиз болаларда ижтимоийлашиш жараёни ўғил болаларга нисбатан олдинроқ кечади.


Нотўлик оилаларнинг деярли барчасида ота билан мулоқот йўқлиги, шахслараро муносабатлар фақат она ва бола орасидаги доирада бўлиши, улар орасидаги табиий ҳолда низоли вазиятлар юзага келиши, натижада болалар ёлғизлик ҳисини кўпроқ бошдан кечириши кузатилди. Шу сабабли, нотўлик оилаларни, айниқса, болалардаги ёлғизликни ҳис қилишни аниқловчи Д.Расселл ва М.Фергюссоннинг методикасидан фойдаланиш лозим деб топилди.

Мазкур методика 126 нафар нотўлик оиланинг фарзандлари ҳамда 131 нафар тўлик оила фарзандларида ўтказилди.

3-жадвал

Тўлик ва нотўлик оила болаларининг ёлғизликни субъектив ҳис қилиш кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Болалар сони	Самарадорлик даражалари			
		Тез-тез	Баъзида	Камдан кам	Ҳеч қачон
Тўлик оила	131	21	27	39	44
Нотўлик оила	126	46	34	27	19



6-расм. Тўлиқ ва нотўлиқ оила болаларининг ёлғизликни субъектив ҳис қилиш натижалари (% кўрсаткичида)

Д.Расселл ва М.Фергюссоннинг “Ёлғизликни субъектив ҳис қилиш” методикаси асосида олинган тадқиқот натижаларига кўра, нотўлиқ оилалардаги болаларда ёлғизликни ҳис этиш тўлиқ оилалардаги тенгдошлардан фарқ қилади. Таҳлиллар натижасида олинган маълумотлар ёлғизликни тез-тез ҳис этиш нотўлиқ оила болаларида 37%, тўлиқ оила фарзандларида эса 16% эканлигини кўрсатди. Тўлиқ ва нотўлиқ оилалар болаларида ёлғизликни ҳис этиш кўрсаткичлари 6-расмда ифодаланган.

